*Адл ила олам юзин обод қил*

# Куч–адолатда

2021 йил
25 июнь,
жума
№ 27 (852)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЭКСПОРТ СОҲАЛАРИДАГИ ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 июнь куни инвестиция ва экспорт соҳаларидаги ишлар натижадорлиги, йил якунигача амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Мамлакатимизда иқтисодиёт ва инфратузилмани ривожлантириш, долзарб лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида фаол инвестициявий сиёсат олиб борилмоқда. 2017 йилдан бошлаб барча манбалар ҳисобидан 716 триллион сўм (83 миллиард доллар) ёки олдинги даврга нисбатан 2 баравардан зиёд инвестициялар ўзлаштирилган. Шундан қарийб 27 миллиард долларини хориждан жалб қилинган маблағлар ташкил этади.

Ўзлаштирилган инвестицияларнинг деярли 65 фоизи саноат ва инфратузилма лойиҳаларига тўғри келади. Натижада, сўнгги 4 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 25 фоиздан 33 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,3 бараварга ўсган.

Ушбу даврда 441 триллион сўмлик 47 мингдан зиёд йирик, ўрта ва кичик лойиҳалар ишга туширилиб, 680 мингдан ортиқ доимий янги иш ўринлари яратилган.

Шунингдек, сўнгги 4 йилда маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва сервис соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 100 триллион сўм инвестиция йўналтирилган.

Йиғилишда инвестицияларнинг натижадорлиги чуқур таҳлил қилинди.

— Олиб келинган ҳар бир доллар халқимизга, ҳудудлар ва тармоқларга ўзининг ижобий натижасини бериши керак. Агар туманларда вазият ўзгарганда эди, қанча иш ўрни, қанча экспорт бўлган бўларди. Инвестиция ва экспорт билан шуғулланмаган ҳокимларнинг келажаги йўқ, — деди Шавкат Мирзиёев.

Таҳлилларга кўра, ажратилган ҳар бир миллиард сўм эвазига Наманганда 12 та, Андижонда 11 та, Навоий ва Сирдарёда 8-9 тадан янги иш ўрни яратилган. Бу кўрсаткич Бухоро, Самарқанд ва Хоразмда 6-7 та, Қашқадарё ва Фарғонада 5 тага тўғри келган. Қорақалпоғистон, Жиззах, Сурхондарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида эса атиги 3-4 тани ташкил этган.

Ёки яна бир таҳлил: Тошкент вилоятига сўнгги 4 йилда йўналтирилган 950 миллион доллар хорижий инвестиция ва банк кредитлари ҳисобига атиги 40 мингта янги иш ўрни яратилган. Яъни бир иш ўрни 24 минг долларга тўғри келмоқда. Ваҳоланки, Наманган вилоятида 2 баравар кам маблағ сарфланиб, 52 мингта иш ўрни очилган.

Шунингдек, 2 мингдан зиёд корхона паст қувватда ишлаётгани, айрим туманларда ишлаб чиқариш ҳажми камайгани қайд этиб ўтилди.

Президентимиз тармоқ ва ҳудуд раҳбарларининг асосий вазифаси инвестициявий фаолликни кучайтириш билан бирга, уларнинг самарадорлигини ошириш бўлиши кераклигини таъкидлади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига вилоят ҳокимлари билан бирга, ҳар бир туман ва шаҳарда саноат бўйича ишга солинмаган имкониятларни аниқлаб, манзилли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Масалан, ҳамма жойда мебелларга талаб, уларни тайёрлашга шароит бор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 21 июндаги "Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" қарори бу соҳа учун имкониятларни кенгайтирди. Нукус, Андижон, Олтинкўл, Ромитан, Қарши, Кармана, Пастдарғом, Узун, Бағдод, Ўрта Чирчиқ ва Хонқа туманлари, Жиззах, Қарши, Наманган ва Янгиер шаҳарлари мебелсозликка мослаштирилди. Уларда мебелсозликка ихтисослашган кичик саноат зоналари ташкил этилиб, 200 миллион долларлик 450 та лойиҳа жойлаштирилади ва камида 7,5 мингта янги иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, юртимиздаги 5 мингдан зиёд мебель корхонасидан 1 минг 500 таси хонадонларда жойлашган. Энди уларни саноатлаштириш, маҳсулотларни ва иш ўринларини янада кўпайтириш мумкин.

Бундай ишларни чармпойабзал, электр техникаси, тўқимачилик, фармацевтика, заргарлик, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат саноати соҳаларида ҳам амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жорий йилда чармпойабзал саноатида 202 миллион долларлик 112 та лойиҳа, электр техникаси тармоғида 140 миллион долларлик 45 та лойиҳа, фармацевтика йўналишида 146 миллион долларлик 36 та лойиҳани ўз вақтида ишга тушириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Охирги йилларда 11 мингта шундай корхона фаолияти тиклангани айтиб ўтилди.

Жумладан, собиқ "Андижон Маш" корхонаси негизида кичик саноат зонаси ташкил этилиб, 24 та янги корхонада мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Тошкент шаҳридаги "Технопарк", Фарғонадаги "Механика заводи" ҳам бунга мисол бўла олади.

Шу билан бирга, бугунги кунда бўш турган ва паст қувватларда ишлаётган яна 19 мингта объект бор. Мутасаддиларга уларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, электрон платформасини яратиш, тадбиркорлар билан учрашиб, лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам бериш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда умумий қиймати 6 миллиард 500 миллион долларлик 226 та йирик тармоқ ва ҳудудий лойиҳалар ишга туширилиши, 35 мингта янги иш ўрни ташкил этилиши мўлжалланган. Йиғилишда уларнинг ижроси ҳам кўриб чиқилди. Муддатидан кечикаётган лойиҳалар кўрсатиб ўтилиб, уларни ўз вақтида ишга тушириш чоралари белгиланди.

Давлат ташқи қарзи иштирокидаги лойиҳалар самарадорлигини ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Тендерлар очиқ-ошкоралигини таъминлаш ва лойиҳаларни мақбуллаштириш орқали маблағларни иқтисод қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маълумки, тўғридан-тўғри инвестициялар иқтисодиёт ривожида жуда муҳим ўрин тутади. Жорий йилда 756 та лойиҳа доирасида 7 миллиард 700 миллион доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитларни ўзлаштириш белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бу маблағларни тармоқ лойиҳалари ва ҳудудий лойиҳаларга жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Йиғилишда экспорт бўйича прогноз кўрсаткичларининг бажарилиш ҳолати ҳам муҳокама қилинди. Бу борадаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш, бозор конъюнктураси туфайли юзага келган қолоқликларни бошқа тармоқлар ва қўшимча маҳсулотлар экспорти ҳисобига қоплаш муҳимлиги қайд этилди.

Видеоселекторда Бош вазир ўринбосарлари, тармоқ раҳбарлари ва вилоят ҳокимлари сўнгги 4 йилда жалб қилинган инвестициялар самарадорлиги ҳамда келгусидаги истиқболли йўналишлар бўйича ахборот берди.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

2021 йил 10 июн — № 23 — Тошкент шаҳри

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

***Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми***

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида" 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли қарори:

**1-бандининг рус тили матнидаги** "национальным интересам" деган сўзлар "национальной безопасности" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2-банди** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"2. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 243-моддасида назарда тутилган даромадларни легаллаштириш тариқасидаги жиноятнинг предмети бу жиноий фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ҳисобланади. Қонун мазмунига кўра, ушбу пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк уларни легаллаштиришдан олдин қасддан содир этилган ижтимоий-хавфли қилмиш (бундан буён матнда асосий жиноят деб юритилади) орқали топилади.

Асосий жиноятларга, жумладан, қуйидагилар киради:

шахсга қарши ҳақ эвазига содир этиладиган жиноятлар (масалан, ғараз ниятларда одам ўлдириш, фоҳишахоналар сақлаш, одам савдоси);

иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар (масалан, ўғирлик, босқинчилик, товламачилик, талончилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш);

**(Давоми 3-бетда) ▶**

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони жамоатчилик назоратини такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.**

*Қонун ижодкорлиги*

## Жамоатчилик назорати

*давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга*



Ушбу ҳужжат билан очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича "Йўл харитаси" белгилаб берилди.

**(Давоми 4-бетда) ▶**

***Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" ҳисоботида даъво миқдори кам бўлган низоларни соддалаштирилган тартибда ҳал қилиш имкониятининг мавжудлиги баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.***



*Таҳлил ва таклиф*

## Такомил зарурати

*ёхуд иқтисодий судларда ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш жараёнидаги муаммолар*

2019 йилда Иқтисодий процессуал кодекснинг "Соддалаштирилган тартибда иш юритиш" деб номланувчи $23^1$-боб билан тўлдирилгани иқтисодий суд юритиш тизимида муҳим янгилик бўлди. Унда соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиладиган ишларни аниқлаш мезонлари, уни кўриб чиқиш тартиби, муддати ва ўзига хос жиҳатлари, ушбу тартибда кўриб чиқиш мумкин бўлмаган ишлар тоифаси белгиланди. Жумладан, эндиликда агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилади.

Даъво миқдори кам бўлган низоларни соддалаштирилган тартибда ҳал қилиш МДҲ давлатлари (Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон ва бошқалар) қонунчилигида ҳам мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий суд ишларини юритиш тизимига соддалаштирилган тартибни жорий этиш даъво миқдори кам бўлган низолар бўйича ишларни тезкорлик билан кўриб чиқиш ва суд ҳужжати ижросини тезкор таъминлаш имконини бермоқда. Бу, ўз навбатида, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида мамлакатимизнинг кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қилмоқда.

**(Давоми 2-бетда) ▶**

*27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни*

## Тараққиётнинг муҳим шарти

*сўз ва матбуот эркинлиги: халқаро ҳуқуқ ва миллий амалиёт*

**Ҳозирги кунда ҳар қандай жамият тараққиётини сўз эркинлигисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Сўз эркинлиги ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳуқуқи бўлса, ахборот эркинлиги ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқидир. Шу боис сўз ва ахборот эркинлиги миллий қонунлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан дунё миқёсда қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тан олинган универсал шартномаларда ўз ифодасини топган.**





Масалан, БМТнинг 100 га яқин, ЮНЕСКОнинг 60 дан ортиқ, Европа Кенгашининг 200 дан зиёд, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 30 дан ортиқ халқаро конвенция, декларация ҳамда пактларида сўз ва фикр эркинлиги ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасига мувофиқ, ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

Сўз ва фикр эркинлигига доир қоида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 19-моддаси 2-бандида қуйидаги тарзда ифодаланган: "Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ давлат чегараларидан мустақил ҳолда ёзма равишда ёки матбуот воситасида ёхуд ифодалашнинг бадиий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра, бошқача усулларда турли ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади".

**(Давоми 2-бетда) ▶**

*Жиноятга жазо муқаррар*

## Тўғри йўлдан тойганлар

*суд уларга айбини ҳалол меҳнати билан оқлаш имконини берди*

**Одамнинг ҳаёти ҳеч қачон бир текис кечмайди. Агар шундай бўлмаганида, шовотлик Диёрбек Олламов ва Ихлосбек Фарҳодов (исм-шарифлар ўзгартирилди) ақлини қинғирликка эмас, балки эзгуликка сарфлаган бўларди. Аммо уларнинг кўнглидаги ғараз ният бунга тўсқинлик қилди. Ҳали гўдаклидаёқ оғир дардга чалиниб, биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолган Диёрбек худбинлик гирдобига тушди. Бунинг устига у чоҳга якка ўзимас, яқин дўсти ва тенгдоши Ихлосбекни ҳам тортди.**

**(Давоми 2-бетда) ▶**

*Таҳлил ва таклиф*

# Такомил зарурати

## ёхуд иқтисодий судларда ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш жараёнидаги муаммолар



◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу ўринда рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, иқтисодий судларда 2019 йилда 4 306 та, 2020 йилда 4 748 та, 2021 йилнинг биринчи чорагида 1 755 та иш соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилган.

Соддалаштирилган тартибда кўрилаётган ишлар сонининг ўсиши асосан контрактация, ижара, юк ташиш, суғурта ва қарз шартномаларидан келиб чиқадиган низоларда кузатилмоқда.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш тезкорлик билан ва қисқа муддатда, яъни даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган муддатда судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади. Эътиборлиси шундаки, бунда ишни кўриб чиқиш муддати узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади. Бу низолашаётган тарафлар учун ҳам енгилликдир.

Яна бир қулайлик шундан иборатки, бунда соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори ўн кун ўтгач, қонуний кучга киради, бу эса, суд ҳужжати ижросини тезкор таъминлаш имконини беради.

Амалиётда ушбу тартибнинг ижобий жиҳатлари билан бирга айрим муаммолари ҳам намоён бўлмоқда. Хусусан, Иқтисодий процессуал кодекснинг 155-моддаси биринчи қисми 5-бандида соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилаётган ишлар бўйича жавобгарга даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари топширилганини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса, судья даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтариши белгиланган.

Олий суд Пленумининг **"Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"**ги 2019 йил 24 майдаги қарори 43-бандида, агар даъво аризаси жавобгарга топширилгани маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилган бўлса, даъво аризасига жавобгар уни қабул қилиб олганини тасдиқловчи почта хабарномаси илова қилиниши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Амалиётда аксарият ҳолларда соддалаштирилган тартибда кўриладиган ишлар бўйича даъвогар даъво аризасини жавобгарга топшира олмаслиги ёки жавобгарнинг манзилига юборилган буюртма хати у жойлашган манзилда фаолият кўрсатмаётгани сабабли мазкур тоифадаги низолар бўйича даъво қўзғатиш имкони бўлмасдан қолмоқда. Хусусан, Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан мазкур тоифадаги ишлар бўйича даъво аризалари жавобгарларга топширилгани ёки жавобгар даъво аризасини қабул қилиб олганини тасдиқловчи почта хабарномаси даъво аризасига илова қилинмагани сабабли 2020 йилда 950 та, шу йилнинг ўтган 5 ойида эса, 334 та даъво аризаси даъвогарларга қайтарилган.

Бу эса, даъвогарларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли Иқтисодий процессуал кодексни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилаётган ишлар бўйича даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар йўлланган шахс уни олишдан бош тортса ва ушбу бош тортиш алоқа бўлими томонидан қайд этилган бўлса, шунингдек, бундай ҳужжатлар жавобгарнинг даъвогарга маълум бўлган охирги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган бўлса, аммо олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли у топширилмаган ва бу ҳақда алоқа бўлими томонидан маълумотнома тақдим этилган бўлса, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш мумкинлигини назарда тутувчи норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

***Иккинчидан,*** даъвогарга ишни соддалаштирилган тартибда кўриш танлови имконини бериш зарур. Бунда даъвогар даъво аризасида ўз ихтиёрига кўра, ишни соддалаштирилган тартибда ёки умумий тартибда кўриб чиқишни сўрайди. Бинобарин, Конституциямизнинг 44-моддасида ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

***Учинчидан,*** соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган иш бўйича жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма эътирозини судга тақдим қилиб, ишни суд мажлисида кўриб чиқишни сўраган тақдирда, суд ишни умумий тартибга ўтказмасдан тарафларни хабардор қилган ҳолда қисқа муддатда ўтказиладиган суд мажлисида кўриб чиқилиши имкониятини бериш керак. Мисол учун айтсак, Украина қонунчилигида айнан шундай тартиб назарда тутилган. Қолаверса, Иқтисодий процессуал кодекснинг 9-моддасида иқтисодий процесснинг асосий тамойилларидан бири сифатида иқтисодий суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилиши кўрсатилган.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, иқтисодий процессул қонунчиликда соддалаштирилган тартибда ишларни кўришнинг янада такомиллаштирилиши низоларни қисқа муддатларда тезкорлик билан ҳал қилиниши, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг овора бўлмаслиги, мулкдорлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя этилишига хизмат қилади.

**Сарвар СОЛИЕВ,**
*Тошкент туманлараро иқтисодий суди раиси*

*27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни*

# Тараққиётнинг муҳим шарти

## сўз ва матбуот эркинлиги: халқаро ҳуқуқ ва миллий амалиёт

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Албатта, ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбурият ва масъулият юклайди. Бундай мажбуриятлар айрим чеклашлар билан боғлиқ, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва муайян сабабларга асосан жорий этилиши лозим.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 19-моддаси 3-бандида қайд этилишича, бу борадаги ҳуқуқларга бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш ҳамда давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги ёки ахлоқини муҳофаза этиш учун қонун асосида чеклашлар кўзда тутилиши мумкин.

Айни чоғда фикрни ифода этиш ва ахборот эркинлиги, эркин, мустақил ва фикрлар хилма-хиллигига асосланган оммавий ахборот воситалари ҳамда очиқ ва фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган интернет эркин ва адолатли сайловлар, жумладан, референдумлар ўтказишни таъминлашда, хусусан, жамоатчиликни партиялар, номзодлар ва уларнинг сиёсий платформалари билан таништириб боришда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ёндошилганда, 2020 йил 30 апрелда БМТнинг **Рақамли технологиялар даврида фикрни ифода этиш ва сайловлар эркинлиги тўғрисидаги қўшма декларацияси** қабул қилингани ҳам алоҳида эътиборга молик.

Бу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг номида "қўшма декларация" ибораси қўлланилгани бежиз эмас. Чунки ушбу ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фикр эркинлиги ва уларнинг эркин ифода этилиши ҳуқуқини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш тўғрисидаги масалалар бўйича махсус маърузачиси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакили ҳамда Америка давлатлари ташкилотининг Фикрни ифода этиш эркинлиги масалалари бўйича махсус маърузачиси ташаббуси билан қабул қилинган.

1991 йил 3 майда Намибияда Мустақил ва плюралистик Африка матбуотини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Виндхук декларацияси қабул қилинди. Бу сана эндиликда Жаҳон матбуоти эркинлиги куни сифатида нишонланмоқда. Ушбу санани нишонлашдан кўзланган асосий мақсад ахборот эркинлиги тамойилларини илгари суриш, дунёнинг барча минтақаларида ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги ҳолатига баҳо бериш, журналистлар эркинлиги ва мустақиллигига тажовузларнинг олдини олиш, касбий бурчини бажараётганда ҳалок бўлган журналистларни ёд этиш, уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлашдан иборат.



Виндхук декларациясининг 1-бандида мустақил, плюралистик ва эркин матбуотни таъсис этиш, қўллаб-қувватлаш ва кучайтириш миллат демократиясини ва иқтисодий тараққиётини ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришда алоҳида аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган.

Мамлакатимизда ҳам сўз ва матбуот эркинлиги давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Аччиқ ва танқидий материаллар жойлардаги кўплаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчини ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор гап. Лекин ошкоралик ва сўз эркинлиги бу — давр талаби, бу — Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг талаби".



Виндхук декларациясининг 2-бандига кўра, матбуот давлат, сиёсий ва иқтисодий назоратдан, газеталар, журналлар, даврий нашрлар ишлаб чиқариш ва тарқатиш учун зарур материаллар ҳамда инфратузилмалар устидан назорат ўрнатилишидан мустақил бўлиши шарт.

Ушбу қоида Президентимизнинг "Холис ва адолатли журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишлари эскича қолипда ишлайдиган раҳбарларнинг фаолиятидаги хато-камчиликларни кўрсатиб, уларни иш услубини ўзгартириш ва масъулиятини оширишга мажбур қилмоқда. Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур ва шарт", деган фикрларига мантиқан ҳамоҳангдир.

Бундан ташқари Виндхук Декларациясининг 3-бандида плюралистик матбуот деганда, барча турдаги яккаҳокимликларнинг барҳам топишини ва жамиятдаги барча ранг-баранг фикрлар ифодасини ўзида акс эттирувчи газеталар, журналлар ва даврий нашрлар имкон қадар кўпроқ бўлиши тушунилиши қайд этилган.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди шу мақсад йўлида самарали фаолият юритмоқда. Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси очиқ танловлар эълон қилиш орқали нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларини мунтазам рағбатлантириб келмоқда.

Бундан ташқари Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўз маблағларини давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда катта аудиторияга эга бўлган қарийб 290 та хусусий ва идоравий интернет-нашрлар ташкил этилгани ана шундай ислоҳотлар самарасидир. Улар бошқа материаллар қаторида энг муҳим расмий ахборотлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзбек, рус, инглиз ва бошқа тилларда тарқатмоқда.

Виндхук декларациясининг 4-бандида "мустақил ҳамда плюралистик матбуот пайдо бўлиши учун тегишли муҳит" яратиш билан боғлиқ ўзгаришлар эътироф этилган. Декларациянинг 5-бандида қайд этилишича, "Демократияга ва ахборот ҳамда фикрни ифодалаш эркинлигига дунё миқёсида интилиш инсоният орзу-ниятларининг ижобати йўлида муҳим улуш ҳисобланади".

Бу ҳақда сўз борганда Виндхук декларациясида тилга олинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари мамлакатимиз Конституцияси ва бир қатор қонунларида ўз аксини тўлиқ топганини таъкидлаш лозим. Ҳозирги вақтда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар янада кучайтирилмоқда.

Хусусан, Жиноят кодексининг оммавий ахборот воситалари орқали "туҳмат" ва "ҳақорат қилиш" каби моддалари бўйича озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо чоралари бекор қилинди. Бу айни соҳадаги мавжуд қонунчиликни либераллаштириш йўлида ташланган дадил қадамдир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг янги тизими жорий этилди. Натижада кейинги даврда кўплаб вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари замон талаблари асосида қайтадан, 201 та туман ва шаҳар ҳокимликларида эса, биринчи марта ташкил этилди. Бу тизим давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига доир ахборотларни олиш борасида оммавий ахборот воситаларининг ишини тубдан енгиллаштириши баробарида ижтимоий жараёнлар ҳақида ишончли ахборот бериш орқали жамиятдаги муаммо ва ҳодисаларга тезкор муносабат билдирмоқда.

Шу йил 1 майдан бошлаб бир қатор молиявий маълумотларни ОАВ ва интернетда эълон қилиш амалиётининг жорий этилгани давлатимизнинг очиқлик ва ошкораликни, сўз ва матбуот эркинлигини рағбатлантириш борасидаги изчил сиёсати намунасидир.

Яқинда қабул қилинган **"Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Президент Фармони ҳам давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигига эришишнинг янги босқичини бошлаб бериши баробарида ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Айни вақтда мамлакатимизнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган сўз эркинлиги рейтингидаги ўрнини янада яхшилаш бўйича амалий ечимлар изланмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **биз ўтган тўрт йил давомида жамиятимизда ошкоралик ва очиқлик, сўз эркинлиги муҳитида яшаш ва ишлашга аста-секин ўрганиб боряпмиз. Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислоҳотларимиз қатори жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгиланиш жараёнлари энди ҳеч қачон ортга қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз.**

**Ғулом МИРЗО,**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист*

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Тўғри йўлдан

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Буёғини сўрасангиз, Диёрбекнинг куни ўзи очган дўконда ўтади. Бу шохобча ҳам осмондан тушмаган, у — яхши инсонларнинг ҳиммати намунасидир. Аниқроқ айтганда, туман ёшлар ташкилоти биринчи гуруҳ ногиронни Диёрбекнинг тақдирига бефарқ қарамади. Уни ўз оталиғига олди. Элга хизмат қилиб, ўзи ва оиласини моддий жиҳатдан таъминлаши учун баҳоли қудрат имкон яратди. Ташкилот бу билан ҳам кифояланмади. Диёрбекка "AVTECH" тизимидаги электрон мослама, "ARTEL" русумли компьютер жамланмаси ва "EPSON L3101" рангли матн кўчириш ускунасини ҳам тақдим қилди.

Компьютернинг имконияти чексиз. Матн ва тасвирни рангли суратда муҳайё этувчи ускунанинг имкониятига эса, тан бермай илож йўқ.

Диёрбекни дўкондаги савдо-сотиқдан ҳам кўра ушбу ускуна ўзига кўпроқ маҳлиё этди. Бўш вақт топди, дегунча унинг сир-асрорлари-ю, нималарга қодирлигини ўрганишга киришди. Кунларнинг бирида хаёлига ғаройиб фикр келди. Пештахта тортмасидаги 50 минг сўмлик қоғоз пулни ускунага жойлаб, ундан нусха олишни "буюрди". Рангли тасвир ускунаси ўз соҳибининг "амри"ни шу заҳотиёқ бажо келтирди. Оддий оқ қоғоз бир пасдаёқ биноийдай 50 минг сўмлик пулга айланди. Диёрбек ўзининг "дастёри"ни тағин ишга солди. Рангли тасвир кўчиргич 50 минг сўм пул бирлигидаги шундай пулдан яна 3 тасини тайёрлаб берди. Диёрбекнинг бу ғаройиб "кашфиёти"га дўконга кирган дўсти Ихлосбек ҳам гувоҳ бўлди. У ҳам ҳайратини яшира олмади. Диёрбек ҳозиргина ўз "машинаси" ясаб берган қалбаки пулларни унинг қўлига тутқазди.

...Д.Олламовга қарашли дўкон маҳалланинг якка-ю-ягона савдо маскани эмас. Кекса аёл Ҳожарбиби Исмоилова сотувчилик қиладиган озиқ-овқат дўкони ҳам шу яқинда жойлашган. Ихлосбек ушбу дўкондан харид қилган егуликларнинг тўлови учун 50 минг сўмлик қалбаки пулни берди. Аммо Ҳожарбиби опа буни сезмади. Харид жараёни силлиқина кечгани, сотувчи аёл пулни индамайгина олиб қўйгани Ихлосбекни дадилликка ундади. Эртаси куни яна дўконга келди. Қўлидаги 3 та қалбаки 50 минг сўмликнинг 2 тасини опанинг қўлига тутқазиб, тағин егуликлар харид қилди.

Иттифоқо ўша куни дўконга Ҳожарбиби опанинг куёви М.Собиров ҳам келган эди. Қайнонасига қарашаётиб, Ихлосбек тўлаган пулларга кўзи тушди. Бу 3 та 50 минг сўмлик ҳақиқийсига ўхшамаслиги унинг эътиборини тортди. Ҳақиқий ва сохта пуллар шу ердаёқ ўзаро бир-бирига солиштирилди ва барчаси аён бўлди.

Сохта пулнинг овозаси шу куниёқ ҳаммаёққа тарқалди. Ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди. Бу жараёнда унинг тафсилотлари тўлиқ ойдинлашди. Ҳар иккала айбланувчи ўз қилмишига астойдил иқрорлик билдирди. Улар 50 минг сўм бирлигидаги 4 нусха қалбаки пул рангли тасвир кўчирувчи ускунада тайёрланганини очиқ-ойдин тан олишди.

Д.Олламов ва И.Фарҳодовнинг қилмиши юзасидан тергов тадбирлари давом этаётган бир пайтда ушбу туманда шунга ўхшаш бошқа бир жиноий ҳаракат ҳам фош қилинди. Туманнинг "Янгиобод" маҳалласида яшовчи Мақсадбек Ражабов ноқонуний валюта айрибошлашга қўл урди. Бу воқеа шу йилнинг 23 январь куни туман марказидаги дорихоналардан бири яқинида рўй берди. Бир нотаниш шахс шу ерда унинг қаршисидан чиқиб, суҳбатга тортди. Исмини ҳам айтди: "Ойбек". Афтидан, у Мақсадбекни сиртдан танийди ва хатти-ҳаракатларини четдан кузатиб юргани ҳам эҳтимолдан холи эмас.

У ўз машинасида Мақсадбекка дардини ёрди. Гап орасида чет эл валютасини алмаштириш мақсадида туман марказига келганини писанда қилди. Мақсабдек ҳам 8 минг 205 АҚШ долларини сўмга айрибошлаш учун келган эди. Мақсадбекка ўз оёғи билан ҳузурига келган "Ойбек" айни у боп харидор бўлиб туюлди. Томонлар ўртасидаги савдо силлиққина пишди. "Ойбек"нинг 4 минг 500 АҚШ долларига бўлган "эҳтиёжи" шу ердаёқ қондирилди. 4 минг 500 доллар миқдоридаги хориж пули 44 миллион 310 минг сўм эвазига айрибош қилинди.

Бошқача айтганда, валютафурушликнинг "қора бозори" кўриниш берди. Одатда, аксарият жиноий кирдикорлар пинҳона тарзда намоён бўлади, уни содир этганлар панада қолишга уринишади.

Аммо Мақсадбекнинг бу борадаги ҳаракати самара бермади. Унинг йўлини тўсиб чиққан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари ҳозиргина бўлиб ўтган воқеанинг тафсилотини сўрашди. Мақсадбек айбидан тонмади.

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

# Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органлари фаолият тартибига қарши жиноятлар (масалан, пора олиш, қонунга хилоф равишда мулкий манфаатдор бўлиш);

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар (масалан, контрабанда, ўқотар қурол ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш ва ҳ.к.).

Бунда бир ёки бир неча асосий жиноят содир этилганлиги, улар алоҳида бир шахс, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан, Ўзбекистон Республикаси ёхуд бошқа мамлакат ҳудудида содир этилганлиги, легаллаштирилаётган мулк содир этилган жиноят натижасида бевосита ёки билвосита қўлга киритилганлиги аҳамият касб этмайди";

қуйидаги мазмундаги **2.1-банд** билан тўлдирилсин:

"2.1. "Жиноий фаолиятдан олинган даромадлар" атамаси Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"-ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, жумладан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган даромад ёки фойда (даромаддан даромад);

жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ёки мол-мулк бошқа мулкка айлантирилган ёки ўзгартирилган (масалан, кўчмас мулкни жиноий йўл билан топилган қурилиш материалларидан барпо этиш);

жиноий йўл билан орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни қонуний манбалар ҳисобидан топилган мол-мулкка қўшиш йўли билан олинган мол-мулк. Бундай ҳолларда мол-мулкнинг фақат қўшилган пул суммаси ёки қўшилган мол-мулк қийматига тегишли қисмигина жиноий йўл билан топилган деб эътироф этилади.

Пул маблағларига миллий ёки чет эл валютаси тариқасидаги нақд пуллар, шунингдек нақд бўлмаган пул маблағлари, шу жумладан, электрон пуллар киради.

Бошқа мол-мулк деганда, кўчар ва кўчмас мулк тушунилиши лозим бўлиб, у мулкий ҳуқуқлар, нарсалар, қимматли қоғозлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан, уларга бўлган мутлақ ҳуқуқларни (интеллектуал мулк) ўз ичига олади.

Шуни назарда тутиш лозимки, Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг (ФАТФ) 15-Тавсиясига кўра, жиноий фаолиятдан олинган даромадларга крипто-активлар (крипто-валюта) ҳам киритилиши мумкин";

**3-банди** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"3. ЖК 243-моддаси мазмунига кўра, даромадларни легаллаштириш деганда, айбдор томонидан жиноий фаолиятдан олинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига уларни ўтказиш, мулкка айлантириш ёки алмаштириш, шунингдек, уларнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мулкка нисбатан ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш йўли билан қонуний тус берилиши тушунилиши лозим.

Жиноий фаолиятдан олинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши, одатда, бундай пул маблағлари ёки мулкка нисбатан молиявий операцияларни амалга ошириш ва ёки битимлар тузишда ифодаланади.

Молиявий операцияларга пул маблағлари билан амалга ошириладиган ҳар қандай операциялар (накд ва накд пулсиз ҳисоб-китоблар, касса операциялари, шу жумладан, пул маблағларини ҳисобварағига киритиш, уларни турли банклардаги омонатларга бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, қимматли қоғозлар сотиб олиш, пул маблағларини чегарадан ташқарига ўтказиш ва кейинчалик уларни банкдаги омонатга қайта тушириш ва ҳ.к.).

Легаллаштириш амалга оширилиши мумкин бўлган битимларга, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки тугатишга, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг пайдо бўлганлиги ёки ўтганлиги тасаввурини шакллантиришга қаратилган (масалан, олди-сотди, қарз, ҳадя, гаров, ижара, айирбошлаш ва ҳ.к. шартномаларни тузиш) ҳаракатлар киради.

Қонун мазмунига кўра, жиноий йўл билан орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан ҳатто битта операция ёки битим амалга оширилган ҳолларда ҳам даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик келиб чиқади";

қуйидаги мазмундаги **3.1-банд** билан тўлдирилсин:

"3.1. Молиявий операциялар ўтказиш орқали содир этилган даромадларни легаллаштириш шахс жиноий йўл билан топилган пул маблағларидан товарлар учун ҳисоб-китоб қилишда ёки майдалашда фойдаланган ёхуд пул маблағларини ўтказиш ва ҳ.к. ҳақида банкка фармойиш тақдим этган (берган) вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Даромадларни легаллаштириш битим тузиш орқали амалга оширилган ҳолларда, жиноят айбдор шахс томонидан битим натижасида вужудга келган мажбуриятларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисми бажарилган ёки ҳуқуқларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмидан фойдаланган пайтдан (масалан, айбдор томонидан шартнома бўйича бошқа тарафга легаллаштирилаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни, битим бўйича мажбуриятни бошқа тараф бажарганлигидан қатъий назар, топширилган пайтдан) бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Агар жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус бериш мақсадида, мулк билан фақат номигагина битим тузилган бўлиб, амалда у бўйича мулкни ўтказиш ёки хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) назарда тутилмаган бўлса, ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноят айбдор ва бошқа шахс ўртасида шартнома расмийлаштирилган пайтдан (масалан, пул маблағлари жиноий йўл билан топилганлигини яшириш учун тузилган хизматларга ҳақ тўлаш тўғрисидаги шартнома имзоланган пайтдан) бошлаб тугалланган ҳисобланади";

қуйидаги мазмундаги **3.2-банд** билан тўлдирилсин:

"3.2. Шуни назарда тутиш лозимки, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш фактини исботлашда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк номига расмийлаштирилган учинчи шахсларда даромадларнинг қонуний манбалари мавжуд эмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар шахс томонидан ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар содир этилганлигини тасдиқловчи далиллар мажмуи билан бирга инобатга олиниши лозим";

**4-банди** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"4. Суднинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк келиб чиқишининг жиноийлиги ҳақидаги хулосаси, жиноят ишидаги бошқа материаллар билан бир қаторда, қуйидагиларга асосланиши мумкин:

асосий жиноят бўйича чиқарилган айблов ҳукмига;

ЖПК 84-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, ишнинг асосий жиноят бўйича тугатиш тўғрисидаги дастлабки тергов органи қарори ёки суднинг ажримига, башарти жиноят иши материалларида асосий жиноят ҳодисаси ва жиноят таркиби борлиги тўғрисида далиллар мавжуд бўлса";

**7-бандининг биринчи хатбошиси** "шахсга" деган сўздан кейин "асосий" деган сўз билан тўлдирилсин;

**10-бандидаги** "Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар" деган сўзлар "Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари тўғрисида" 2012 йил 25 майдаги 06-сонли қарори:

қуйидаги мазмундаги **3.1-банд** билан тўлдирилсин:

"3.1. ЖК 12-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ шахснинг Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясида бўлиши-бўла олмаслиги масаласини аниқлашда, жиноятчиликка қарши кураш ва жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг юрисдикцияга оид қоидаларидан келиб чиқиш лозим.

Хусусан, Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенциясининг 7-моддаси қоидаларига кўра, чет эл фуқароси ёки Ўзбекистонда доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахс республика ҳудуди ташқарисида содир этган жинояти учун, агарда, масалан, Ўзбекистонда бўлиб, бошқа давлат — Конвенция иштирокчисига ушлаб берилиши мумкин бўлмаса Ўзбекистон ЖК бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин. Ўхшаш нормалар БМТ Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисида 1988 йил 20 декабрдаги конвенциясининг 4-моддаси, Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясининг 15-моддаси ва бошқа шартномаларда назарда тутилган";

**5-банди:**

**иккинчи хатбошиси** "ҳамда" деган сўздан кейин "суд," деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**ўнинчи хатбошиси** "суд қарорларини," деган сўзлардан кейин "ижро ёзувларини," деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**9-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Қидирувда бўлган шахс хорижий давлат ҳудудида аниқланганда, уни ушлаш, ҳибсга олиш, ушлаб бериш ва этап қилиш масаласи унга нисбатан қидирув эълон қилган суд томонидан ажрим чиқариш ва тегишли ҳужжатларни, шу жумладан, шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарор, суднинг эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрими, қонуний кучга кирган суднинг ҳукми, шунингдек, ўталмаган жазо муддати ҳақидаги маълумотномани тасдиқланган нусхаларни расмийлаштириш йўли билан ҳал қилинади";

**10-банди:**

**иккинчи хатбошисидаги** "ЖПК 418 ва 481-моддалари" деган сўзлар "ЖПК 418-моддаси" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошиси** "қайта квалификация қилиш" деган сўзлардан кейин ", шунингдек, айбловдан ЖКнинг бирор-бир моддасини чиқариш" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**12-банди** "ўта хавфли рецидивист деб топиш" деган сўзлардан кейин ", жавобгарликни ёки жазони оғирлаштирадиган ҳолатлар, шу билан бирга жазони ижро этиш колония турини белгилашда инобатга олиш" деган сўзлар билан тўлдирилсин".

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида" 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли қарори:

**5-банди:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"ЖПК 290-моддаси мазмунига кўра, гумонланувчи ва айбланувчига тегишли, учинчи шахсларда бўлган мол-мулкка ҳам, башарти иш бўйича иш юритиш давомида ушбу мулк амалда гумонланувчи ёки айбланувчига тегишли деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, тақиқ солиниши мумкин";

**иккинчи** ва **учинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**6-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Жиноят ишини кўриш учун тайинлашда суд жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш чоралари кўрилганлиги, фуқаровий даъво киритилганлигини аниқлаши лозим. Агарда суриштирув, дастлабки тергов органи, прокурор томонидан бундай чоралар кўрилмаган бўлса, судья ЖПК 290, 396-моддаларига асосан, ўз ташаббуси билан бундай чораларни кўради, бироқ суд бундай чораларни бевосита кўриш имкониятига эга бўлмаса, суриштирувчи ёки терговчига зарур чораларни кўриш мажбуриятини юклаш бўйича ажрим чиқаради (ЖПК 398-моддаси)";

**8-банди:**

**учинчи хатбошидаги** "ёки назорат" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФК 163-моддасига мувофиқ, жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи талаб қилишда даъво муддати қўлланилмайди";

**11-банди:**

**иккинчи хатбошисидаги** "Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитасининг 2006 йил 14 июндаги 01/19-19, 01/19-20, 01/19-21 сонли қарори" деган сўзлар "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 июль куни 3239-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлиги директорининг 2020 йил 1 майдаги 01/11-15/62-сон буйруғи" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошиси** "бартараф этишлари" деган сўзлардан кейин ", шунингдек, қўшимча ва қайта суд экспертизасини тайинлашлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**18-бандининг биринчи хатбошисидаги** "ёки назорат" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**19-банди:**

**биринчи хатбошисидаги** "ФПК 60-моддаси учинчи қисми" деган сўзлар "ФПК 75-моддаси тўртинчи қисми" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**20-банди:**

**биринчи хатбошисидаги** "ФПК 377-моддасида" деган сўзлар "ФПК 451-моддасида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** "ФПК 379-моддасида" деган сўзлар "ФПК 453-моддасида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**21-бандидаги** "жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судлари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар" деган сўзлар "Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сонли қарори:

**16-банди:**

**биринчи хатбошиси** "озод қилиниши" деган сўзлардан кейин "(МЖтК 21-моддаси)" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"МЖтКда кам аҳамиятли ҳуқуқбузарлик тушунчаси очиб берилмаганлиги туфайли, содир этилган ҳуқуқбузарликни бундай деб топиш масаласи суд томонидан ишнинг муайян ҳолатлари, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, шу жумладан, МЖтК билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар жиддий тарзда бузилган-бузилмаганлигидан, айбдорнинг шахси, ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган моддий ёки қопланган маънавий зарар миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиши лозим";

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"Айрим маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар МЖтК билан қўриқланадиган жамоат муносабатларини жиддий бузишини инобатга олиб, бундай ҳуқуқбузарликлар ҳеч бир ҳолда ҳам кам аҳамиятли деб топилиши мумкин эмас. Бундай ҳуқуқбузарликларга, жумладан, МЖтК 54-моддаси иккинчи қисми, 99, 131-моддалари, 135-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари, 136-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар киради";

**учинчи хатбошиси** тегишинча **тўртинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**20-бандининг иккинчи хатбошиси** "сабаблари" деган сўздан кейин "(масалан, маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи, шунингдек, ҳуқуқбузарнинг оғир моддий аҳволдалигидан далолат берувчи ҳолатлар)" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**30-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"30. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тўғри ва муддатида кўриб чиқилиши устидан назоратни кучайтирсин;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришда судлар томонидан маъмурий жазо чораларини тайинлашга доир қонун нормаларининг тўғри қўлланилишини таъминласин;

қуйи судларга амалий ёрдам кўрсатиб, мазкур тоифага оид ишлар, шу жумладан, маъмурий жазо чораларини тайинлаш бўйича суд амалиётини мунтазам умумлаштириб борсин ва йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўрсин".

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси** — **К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби, Олий суд судьяси** — **И. АЛИМОВ**

# тойганлар

## *суд уларга айбини ҳалол меҳнати билан оқлаш имконини берди*



4 минг 500 АҚШ доллари эвазига санаб берилган 44,3 миллион сўмни уларнинг қўлига тутқазди.

Бироқ валютафурушликни касб қилмагани, ихтиёридаги хориж пулини қурилиш моллари сотиб олиш учун алмаштирганини таъкидлади. Айбини қисман тан олди. Жиноий қилмишни амалга оширган Диёрбек ва Ихлосбеклар ҳам бойиш ниятини инкор этишди. 4 та 50 минг сўмликдан иборат ясама пул оддийгина "эрмак"нинг натижаси бўлганини зўр бериб уқдиришди.

Суд жараёнида қалбаки пул ясовчиларнинг далиллари чуқур текширилди. "Эрмак" юзига тортилган парда шу аснода очилди. Аммо шу оддийгина "эрмак" аслида жиноий қилмиш эканлигини пировардида айбланувчиларнинг ўзлари ҳам тан олишди. Қалбаки пул ясовчилар Ҳожарбиби Исмоиловадан астойдил узр сўрашди, икки марта амалга оширилган хариднинг ҳақини ҳақиқий пул бирлигида тўлаб, етказилган зарарнинг ўрнини қоплашди. Судда фуқаровий даъвогар мақомида гувоҳлик берган аёл бу ҳолни эътироф этди, ўзини куппа-кундуз куни чув туширган ҳар иккала айбланувчи маҳалладоши экани, уларни кечиргани, даъвоси йўқ эканини баён қилди.

Бинобарин, мулкий зиёнга оид масалани ҳал этишнинг ўз тартиб-таомиллари бор. Олий суд Пленумининг "Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 26-сонли қарори 9-бандида қайд этилганидек, мулкий зиён етказилган ҳар бир жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилаётганда суд фуқаровий даъвони ҳал этиши, даъво қўзғатилмаган бўлса, мулкий зиённи қоплаш масаласини ўз ташаббуси билан муҳокама қилиш лозим.

Суд муҳокамаси жараёнида судланувчи Д.Олламов оғир дард сабабли мактаб таҳсилини уйида олгани, билимлар синовида қатнашгани маълум бўлди. Шу билан бирга унинг оилавий шароити, фуқаровий даъвогар ўз талабидан воз кечгани, кечиргани инобатга олинди. Бу судланувчига нисбатан Жиноят кодексининг енгил жазо тайинлашга оид 57-моддасини қўллашни тақозо қилади. Суд жараёнида аниқланган бир қатор ҳолатлар ушбу моддани яна бир судланувчи И.Фарҳодовга нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкинлигини кўрсатди. Суд ҳукми шу асосда чиқарилди. Тергов органи тарафидан ҳар икки судланувчига нисбатан Жиноят кодексининг қалбаки пул ясашга доир 176-моддаси 2-қисми "а", "в" бандлари тўғри қўлланилгани таъкидланди. Судланувчиларга оиласи бағрида қолган ҳолда тарбияланиш имкони берилди. Яъни уларга нисбатан муайян муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Чет эл валютасини қонунга хилоф равишда айрибошлаш билан шуғулланган Мақсадбек Ражабовга ҳам базавий ҳисоблашнинг 100 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди. Жиноий далил сифатида олиб қўйилган чет эл валютаси давлат ҳисобига ўтказилди.

Шу тариқа суд уларга айбини ҳалол меҳнати билан ювиш, ҳаётда тўғри йўлни топиш учун имкон берди. Энди ҳамма гап уларнинг ўзида қолди.

**Ўктам МАШАРИПОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Шовот тумани суди раиси*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Қилмиш-қидирмиш*

# Қабоҳат гирдоби

**Қўшкўпирлик Нуриддин Матёқубов 40 йиллик умрининг аксарият даврини зулмат домида ўтказди. Аниқроқ айтганда, талончилик жинояти учун у 5 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилганида ҳали 22 ёшга ҳам тўлмаганди. Жиноий кирдикорни қасддан содир этганлар учун бундан бошқа чора йўқ.**

Аммо халқимизнинг кўп минг йиллик қадриятлари қонунларимизда ҳам ўзининг теран ифодасини топгани тўғри йўлдан адашганларга яхши имкониятдир. Н.Матёқубов ҳам бундай бағрикенглик ва кечиримлилик тамойилларидан баҳраманд бўлди. Унга қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб олиш учун имконият берилди.

Аммо Нуриддиннинг озодликдаги ҳаёти узоққа чўзилмади. У фақат оила қуриш ва фарзанд кўришгагина улгура олди, холос. Яна жиноят, яна жазо — қилмишнинг қидирмиши, аччиқ қисмат. У бу гал контрабанда бўйича амалга оширилган ашаддий қонунбузарликка фаол кўмаклашгани учун Жиноят кодексининг 28, 246-моддаси 2-қисми, гиёҳвандлик моддаларини сотишга ҳозирлик кўриш ва уни содир этишга қасд қилишни назарда тутувчи 25, 273-моддаси 5-қисми бўйича айбланиб, 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

### ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# «АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, шунингдек, судлар фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритишни янада такомиллаштириш мақсадида "Адолат — қонун устуворлигида" танловини эълон қилади.*

Танловга республика ва ҳудудий газета-журналларда чоп этилган, интернетда ёритилган, телевидение ва радиода берилган суд тизимидаги ислоҳотлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот хизматига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллифлар томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловга беш ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2021 йил 1 январдан 15 ноябргача чоп этилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.




**Танловда қуйидаги йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланади:**

1. "Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист" (1, 2, 3-ўринлар);
2. "Босма оммавий ахборот воситалари йўналишида энг фаол журналист" (1, 2, 3-ўринлар);
3. "Интернет-журналистика йўналишида энг фаол журналист" (1, 2, 3-ўринлар);
4. "Энг фаол судья ва суд ходими" (1, 2, 3-ўринлар);
5. "Энг фаол илмий ходим" (1, 2, 3-ўринлар);
6. "Энг фаол вилоят суди матбуот хизмати" (1, 2, 3-ўринлар).

Барча йўналишлар бўйича ғолиблар танлов рамзи, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

**МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:**
***100186, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй.***
***Телефон: (71) 239-02-43, электрон почта — matbuot@sud.uz***

*Қонун ижодкорлиги*

# Жамоатчилик назорати

## давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Фармон билан бир қатор тартиблар жорий этилмоқда.

Хусусан, 2021 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари амалга оширган давлат харидлари, харажатлари ва молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали ва ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаб боради.

Шунингдек, ҳар йили 1 мартга қадар давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятига оид ҳисоботни расмий веб-сайтларига жойлаштириши, 1 апрелга қадар мазкур ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказиши белгиланмоқда.

Фармонда мутасадди вазирлик ва идораларга фаолиятида очиқлик ҳамда шаффофликни таъминлаши борасида бир қатор вазифалар юкланган. Шу билан бирга, Олий Мажлис палаталарига ҳам ўз расмий веб-сайтларида айрим маълумотларни жойлаштириши тавсия этилмоқда. Жумладан:

— парламент назорати объектларининг ҳисоботларини эшитиш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар;

— Қонунчилик палатасида депутатнинг ҳар бир қонун ё қарор лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этишдаги, сенаторнинг ҳар бир қонун ва қарорни маъқуллаш ёки рад этишдаги иштироки тўғрисида;

— Олий Мажлис Сенати аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, сайлов округлари ҳамда уларнинг электрон почта манзиллари ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш тавсия этилмоқда.

Бу, ўз навбатида, сайловчиларнинг ўзлари сайлаган депутат фаолияти билан яқиндан танишишлари учун қулай шароит туғдиради. Қолаверса, фуқароларга ўзини қийнаб турган масалалар юзасидан депутат билан тезкорликда боғланиш имконини беради.

2021 йил 1 декабрдан бошлаб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиялари телеканаллар, шунингдек, Интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилиши белгилаб қўйилди.

Фармон билан давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлашга оид ислоҳотларни ўз ичига олган "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини янги таҳрирда ишлаб чиқиш белгиланди.

Мутасадди вазирлик ва идоралар зиммасига мазкур Фармондан келиб чиқиб, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш вазифаси юкланди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шу маънода бу муҳим ҳужжат депутатлар зиммасига соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунларнинг ижро этилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш юзасидан назорат-таҳлил ва парламент назоратини амалга ошириш вазифаларини юклайди.

**Хайрилло ҒАФФОРОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари*

*Барча соҳалар сингари матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳам узоқ тарихга эга. Қуйида шу ҳақида маълумот берамиз.*

*Қизиқарли тарих*

# Ихтиролар силсиласи

— Қоғоз II-асрда Хитойда кашф этилган.

— Илк ёзув бундан қарийб 4 минг йил олдин қадимги Юнонистонда металл бўлаги ва фил суяги билан ёзилган. Патқалам дастлаб Мисрда ихтиро қилинган бўлиб, у ичи ковак қамишга мис лахтагини бирлаштиришдан пайдо бўлган.

— Пўлат перо биринчи марта 1780 йили Англияда



яратилган, аммо у қирқ йилгача оммалашмаган.

— Биринчи авторучка 1880 йили АҚШда кашф этилган, шарикли авторучка 1945 йилда ихтиро қилинган.

— Илк марта газета XVI аср бошларида Венецияда пайдо бўлган: бу ердаги жарчилар янгиликларни оқ қоғозга тошбосма усулида босиб сотишган. Дастлаб бу варақлар бир газетта (бир танга) бўлган, бу сўз оммалашиб мазкур нашрлар "га-




зета" номини олган. Ҳақиқий газетани Францияда Т.Ренадо "Ла газетте" номи билан нашр этган.

— Фотографияни биринчи бўлиб 1802 йили ихтирочилар Уэжвуд ва Хамфри кашф этган. 1835 йили Уилям Тальботт мунтазам тасвирни ҳосил қилишга эришиб, негативдан позитив тасвир тайёрлаган ва фотобосмани ишлаб чиққан.

— Фотография тарихидаги энг биринчи сурат 1825 йилда Жозеф Нэнс олган от етаклаган бола тасвиридир.



Кейинчалик бу сурат кимошди савдосида ярим миллион фунт стерлингга сотилган.

— Биринчи овоз ёзишни 1877 йили машҳур кашфиётчи Томас Эдисон амалга оширган.

— Биринчи сюжетли фильм 1903 йили Томас Эдисон лабораториясида яратилган ва у "Буюк поезд ўмарилиши" деб аталади.

— 1868 йили Тошкентда Марказий Осиёдаги биринчи босмахона ташкил этилган.

— Телеграф ва телефон XIX асрда ихтиро қилинган.



— XIX аср охирида италиялик олим Гулелмо Маркони радиони кашф қилган. 1909 йилда унга Нобель мукофоти берилган. Рус олими А.Попов ҳам радио ихтирочиси сифатида тан олинади, бироқ унинг ихтироси патентланмаган.

— 1927 йил 11 февралда илк марта Ўзбекистон ра-



диоси иш бошлаган.

— 1928 йили Тошкентда Б. Гробовский ва И.Белявский жаҳонда биринчи телевизорни кашф этишди.

— 1936 йили Тошкент киностудиясида биринчи ўзбек овозли фильми "Қасам" суратга олинди.

— 1956 йил 5 ноябрда Тошкентда илк телестудия кўрсатувларини эфирга узатган.

— Илк телевизион кўрса-



тувлар 1936 йили Англия ва Германияда эфирга узатила бошлаган.

— 1947 йили Деннис Уейбер голографияга асос солган. Унинг маъноси уч ўлчовли тасвир демакдир.

— 1950 йилда Америкада дастлабки рангли телевидение кўрсатувлари намойиш этила бошланган.

— 1942 йили АҚШда илк бор магнит тасмаси ихтиро қилинди.

— 1946 йили АҚШнинг Пенсилвания университетида электрон комьпютер ихтиро қилинди.

— 1957 йилда компьютерларни бир-бири билан боғлаш натижасида Интер-



нет тармоғига асос солинди. Дастлаб у ҳарбий соҳада қўлланилди. 1980 йилдан бошлаб ҳар қандай ташкилот ундан фойдаланиш имконига эга бўлди.

— 1913 йил 20 августда Самарқандда "Ойина" журналининг илк сони чоп этилган.

— 1883 йили Тошкентда ўзбек тилидаги илк босма газета — "Туркистон вилоятининг газети" нашр этилган.

— Биринчи жадид нашри — "Тараққий" газетаси 1906 йил 27 июнда чоп этилган. Айнан шу сабабли мамлакатимизда 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами сифатида нишонланади.

**Интернет материаллари асосида**
**Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.**

*Қилмиш-қидирмиш*



# Қабоҳат гирдоби

◀ **(Бошланиши 3-бетда)**

2019 йил жазони ўтаётганда унга инсонпарварлик муруввати кўрсатилди. Жазо муддати тугашига 6,5 йил қолганида у шартли равишда озод қилиниб, ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди.

Аммо у муайян юмуш — гиёҳфурушликка қаратилган галдаги қилмишни ими-жимида амалга ошириш, шу юзадан жазони ўтаётган пайтда танишган кимсанинг қалтис илтимосини бажариш мажбуриятини зиммага олган ҳолда озодликка чиқди. Тожикистонлик "Олим" ўз мамлакати ҳудудидан Қўшкўпирга сим қоқиб, уни Тошкентга меҳмондорчиликка чақирди. Кутилмаган таклиф турмуш ўртоғи билан бирга даволаниш учун Тошкентга боришга тайёргарлик кўраётган Нуриддин учун айни муддао бўлди.

Собиқ ҳамтовоқлар ўтган йилнинг 23 сентябрь куни пойтахтдаги "Мегапланет" савдо маркази олдида учрашди. Суҳбат асносида "Олим" юртимиз сарҳадларини қуруқ қўл билан эмас, нақ 10,5 кило "тарьяк" моддасини елкалаган ҳолда кесиб ўтгани аён бўлди.

Бунинг устига у аллақачон вазни 10,5 килолик "мол"ни Нуриддин билан бўладиган учрашув арафасидаёқ электр овқат пишириш ускунаси ичига жойлаган ҳолда Хоразмга йўл олаётган "Исузи" русумли юк автомашинасига ортиб ҳам қўйган эди. "Олим" тарьякнинг ҳар бир килоси нархини 5 минг АҚШ доллари миқдорида белгилаган бўлса-да, ҳисоб-китоб "мол" Хоразмга етиб бориб, ўз харидорини топгач, амалга ошириладиган бўлди. "Олим" ўзига нисбатан шубҳа-гумон уйғонмаслиги учун биродарини "мол" ортилган ва ҳадемай йўлга чиқиши кутилаётган юк машинаси олдига ҳам бошлаб борди. Нуриддин ҳайдовчининг қўл телефони рақамини олгач ўғли Алибекка телефон қилди. Қимматбаҳо "электр печкаси" жойланган автомашина эртага тушга қолмаёқ Урганч марказий буюм бозори ёнидаги автотураргоҳга кириб боришини билдириб, "мол"ни қабул қилиб олишни тайинлади.

Фарзанд отанинг сўзини икки қилардими? Ўғил айтилган фурсатда манзилга етиб борди. Ҳайдовчи "мол"ни унинг қўлига тутқазди.

... Бироқ Алибек шу куни Қўшкўпирга қайтмади. Бу ҳақдаги хабар пойтахтдаги шифохонада даволанишга ҳозирлик кўраётган Нуриддиннинг қулоғига ҳам етиб борди. У пойтахтдан жўнатилган "мол" эгаси эмас, балки бегоналар қўлига тушганини фаҳмламай қолмади. Шу ондан эътиборан Нуриддиннинг ҳаловати йўқолди, вужудини ваҳима ва талваса эгаллади. Тунни бедор ўтказди.

Урганч автотураргоҳида содир бўлган воқеа тафсилоти эртасига ойдинлашди. Маълум бўлишича, Алибек ҳайдовчидан отасига тегишли "мол"ни қабул қилиб олгач, узоққа кетолмаган. Йўлни кесиб чиққан бир неча киши болакайни тўхтатиб, "мол"нинг дараги ва ҳақиқий эгасинни сўраган. Бола ўз билганларини оқизмай-томизмай айтиб берган. Чегарадан хуфя тарзда олиб ўтилган ва мамлакатимиз пойтахти орқали 11 та бўлакка жойланган ҳолда Хоразмга элтиб берилган "тарьяк"ка болакайнинг дахли йўқлиги шу аснода маълум бўлган. Вояга етмаган Алибек эртасигаёқ уйига қўйиб юборилган. Нуриддин бари юмуш-у ташвишларини бир четга суриб, Қўшкўпирга — туғилиб ўсган қишлоғи Оқдарбандга қайтган ва дарров тегишли ҳуқуқ тартибот маҳкамасига етиб борган.

Тергов жараёнида асосий гумондор сифатида сўроқ қилинган Н.Матёқубов айбига қисман иқрорлик билдирди. Пойтахтга боргани ва асли тожикистонлик "Олим"дан ўта кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддасини шахсан ўзи қабул қилиб олганини сир тутмади, уни очиқ эътироф этди. Тергов тарафни "Олим" "тарьяк"нинг пулини олиш учун Хоразмга шахсан ўзи келиши ҳақида ҳам огоҳлантирди. Айни пайтда "мол"ни қўшни мамлакат ҳудуди орқали контрабанда усулида олиб ўтиш билан боғлиқ жиноий киридкорга шахсан бош қўшгани ҳамда вояга етмаган бола — 2007 йили туғилган фарзанди Алибек Ҳайитбоевни жиноий қилмишга жалб қилганига оид айбловни кескин рад этди. Тергов тарафи гумондорнинг бу дастагини тайинланиши муқаррар бўлган жиноий жазодан қутулиб қолишга қаратилган уриниш сифатида баҳолади ва айбни ўз кучида қолдирди. Ашаддий қилмиш Жиноят кодексининг вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга доир 127-моддаси 3-қисми "а" банди, контрабандага фаол кўмаклашганликни ифодаловчи 28, 246-моддаси 2-қисми ва гиёҳфурушликка ҳозирлик кўриш ҳамда уни содир этишга қасд қилишни назарда тутувчи 25, 273-модданинг 5-қисми бўйича малакаланди.

Рўй берган машъум жиноий ҳаракатнинг тафсилоти судда ойдинлашди. Кирдикор ашаддий гиёҳфурушлик мақсадида амалга оширилгани янада равшанлашди. Лекин вояга етмаган фарзандини оғир қилмишлар гирдобига тортиш, контрабандага кўмаклашиш юзасидан қўйилган айблар ўз тасдиғини топмади. Шу муносабат билан Жиноят кодексининг ушбу қилмишларга тааллуқли 127-моддаси 3-қисми, 28, 246-моддаси 2-қисми бўйича тергов органи томонидан қўйилган айб унинг зиммасидан соқит қилинди. Судланувчи Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5 қисми бўйича 10 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Маҳкум ҳар бирининг муддати 5 йилдан кам бўлмаган жиноий жазога бундан аввал ҳам 2 марта ҳукм қилингани факти ҳам инобатга олинди. Шу боис судланувчи Жиноят кодексининг 34-моддасига биноан ўта хафли рецидивист деб топилди.

Албатта, ҳаётда ҳеч қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Фақат афсусланарли томони шундаки, бу ҳақиқатни ҳамма ҳам бирдек англаб етмайди. Буни Н.Матёқубов сингари қилмишидан тўғри хулоса чиқариб олмаганлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

**Шерзод ХЎЖАНИЁЗОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Янгибозор тумани суди раиси*

**Куч — адолатда**

*МУАССИС:* Ўзбекистон Республикаси Олий суди

*Бош муҳаррир:* Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-615 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7012
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 2²⁰.